

## АҚШ мусулмон сиёсатчиси исломофобик қарашга муносабат билдирди



10:00 / 18.01.2019 1793

АҚШ вакиллар палатасининг биринчи муслима вакили Рашида Тлаиб, ўз шаънига нисбатан Республикачилар партияси маҳаллий вакили томонидан айтилган сўзларга жавоб қайтарди, деб ёзади IQNA.

Тлаиб Флорида штатида фаолият олиб борадиган маҳаллий республикачи Анабель Лима-Таубнинг Facebook ижтимоий тармоғида баён қилган исломофобик қарашларига ўзининг Twitterдаги саҳифасида муносабат билдирган. Рашида Тлаиб маҳаллий республикачининг “У хавфли одам, унинг Конгрессни ҳавога учуриб юборишига шубҳа қилмайман” деган фикрларида исломофобик қарашлар жой олганига жамоатчилик эътиборини қаратган. “Бу нафрат, айти пайтда мусулмонларга қарши айтилган фикрлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган... Айрим Республикачилар бундан мамнунлар...” деб ёзади Тлаиб Twitterдаги саҳифасида.

Республикачи Анабель Лима-Тауб тез орада Facebookдаги akkaунтига жойлаштирган хабарини олиб ташлаган, лекин у маҳаллий, кейин эса бутун мамлакат бўйлаб тарқалиб улгурган, ҳатто республикачиларнинг ҳам қаттиқ эътирозларига сабаб бўлган. Ўз навбатида Америка-ислом муносабатлари кенгашининг Флорида штати шўъбаси Анабель Лима-Таубнинг истеъфосини талаб қилиб ёзма баёнот ҳам берган.

***Islom.uz портали таҳририяти***